

# Мўғул татар қиссаси

27- қисм

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*АБУ АБДУЛЛОҲ аш-ШОШИЙ*

**Нашрга тайёрловчи:** *Шамсиддин Дарғомий*

2012 - 1433

IslamHouse.com

# قصة التتار- المغول

الحلقة السابعة والعشرون

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2012 - 1433

IslamHouse.com

## **Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**

Барча мақтовлар Оллоҳга хосдир. Унга ҳамду сано ва истиғфорлар айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсларимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

### **Ўтган суҳбатимизда:**

- Айн-Жалут маъракасининг самаралари;
- Айн-Жалутда нусрат сабаблари мавзуимиз бўлган эди.

### **Мағлубиятимиз сабаблари**

Асримиздаги кофирлар ва мўғуллар ўртасидаги ўхшашлик оз бўлсада тафаккур қилган кишига осонликча кўринади. Замон ва макон фарқли бўлсада куфр миллати ва уларнинг мақсади бирдир. Бугун асримиз кофирларининг мўғулларга ўхшашлиги бизни кўрқитмасда ўзимизнинг ўша асрлардаги мусулмонларга ўхшашлигимиз таҳликалидир. Мусулмонлар нусрат сабабларини бажарсалар душмани

ким –мўғул, яҳуд, насоро, хиндус ёки оташпараст– бўлсада енгилмайдилар.

Мусулмонлар мўғуллар асрида нусрат сабабларидан ғофилликлари натижаси ўлароқ мағлубияту муваффақиятсизликка юз тутдилар. Улар ахлоқий касалликлар исканжасида на тарихга ва на маданиятга эга бўлган мўғуллар қаршисида мағлуб бўлдилар. Бугунги кунимиз кечаги кечмишимизга нақадар ўхшаш!

Сони миллиарддан зиёд бўлган мусулмонлар устига бугун бир ҳовуч золимлар ҳар турли мусибатларни ёғдирмоқда. Нима сабаб Оллоҳ таоло душманлари қалбидан мусулмонлар ҳайбатини олиб қўйиб, мусулмонлар қалбига ваҳн, заифлик ва лоҳасликни солди? Бу каби саволлар жавоби тарих саҳифаларида баён қилинган, улардан баъзиларига воқиф ҳам бўлдик.

Кутуз –рахимахуллоҳ– даврида амалга оширилган нусрат сабабларини зикр қилдик. Расулulloҳ – соллalloҳу алайҳи ва саллам– кунларидан ҳозирги кунимиз ва то қиёматга қадар нусрат сабаблари ўзгармас илоҳий қонунлардан биридир.

**"(Бу) илгари ўтган зотлар ҳақидаги Оллоҳнинг йўли-қонунидир. Оллоҳнинг йўлини эса ҳаргиз ўзгартира олмасиз"<sup>1</sup>.**

Мусулмонлар мағлуб ва заиф бўлган замонларга диққат қилинса, бунга сабаб уларнинг нусрат сабабларидан йироқ бўлиши ёки маънавий иллатларга мубтало бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Шундай экан, бу иллатлар нима эканлигига қисқача тўхталиб ўтсак:

**Биринчи иллат:** Мақсаднинг равшан эмаслиги. Оллоҳнинг нусрати унинг шариатини татбиқ қилиш ва ягона Ислом байроғи атрофида жамланиш билан амалга ошади. Айн-Жалут жангидан кейин маълум бўлган асл исломий қоида:

**"Агар сизлар Оллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг динини барпо қилсангиз), У зот ҳам сизларга ёрдам берур"<sup>2</sup>, қоидасидир.**

**Иккинчи иллат:** Мусулмонлар ўртасидаги бўлиниш, тарқоқлик. Мусулмонларнинг мўғулларга мағлуб бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу эди. Бугунги кунимизда ҳам тарқоқлик иллатига дучор бўлган мусулмон уммати бу иллат оғриғидан инграмоқда.

---

<sup>1</sup> Аҳзоб: 62.

<sup>2</sup> Муҳаммад: 7.

**"Ва Оллоҳ ҳамда Унинг пайғамбарига итоат қилингиз ва (ўзаро) таллашиб-тортишмангизки, у ҳолда сушлашиб, куч-қувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир"**<sup>3</sup>, бу ояти карима душманлар қаршисидаги мағлубиятимизни тафсир қилади.

**Учинчи иллат:** Дунёга хирс кўйиш. Мўғуллар замонида мусулмонлар дунё билан қаттиқ фитналанганидек, бугун ҳам унга ружуъ кўймоқдалар. Аксинча, асримизда бу ҳақир дунё ўлчами, афсуслар бўлсинки ҳар қандай қадриятлардан устун келмоқда. Ёшларимиз фахри уммат қаҳрамонлари Холид ибн Валиду Салоҳиддин Айюбийлар эмас Марадонаю Роналдо бўлиб қолди. Ўзимиз эса ҳақини эмас нафси тусаганини, ҳалолми-ҳаромми ундира олган ёшларимизни "учар йигит", "шоввоз" ("шустрый бола") дея мақтайдиган бўлиб қолдик. Олди-берди, куда-андачилигимиз ўлчови ҳам фақат дунё ва пулга айланди.

Мусулмонларнинг бу аҳволи жуда ачинарли! Биз ўзимиздаги бу хато ва камчиликлар, иллатларга эътибор беришимиз ва уларни тузатишимиз лозим. Мусулмонлар ўзларини ислоҳ қилмагунича ва Раббилари Оллоҳга қайтиб, Унинг шариатини татбиқ қилмагунларича

---

<sup>3</sup> Анфол: 46.

улардан нусрат кечикаверади. Бунга тарих ва воқелик очик гувоҳдир.

**Тўртинчи иллат:** Оллоҳ йўлидаги курашни тарк қилиш. Бу дунёга шўнғиб ҳар ким ўз ғамида яшаши натижасидир. Мусулмонлар Оллоҳ йўлидаги курашнинг барча: маданий, маърифий, илмий, ижтимоий, ҳарбий ва иқтисодий турини тарк қилиб, умматни бошқариш вазифасини қўлдан олдириб, элатларга тобеъ бўлишга рози бўлди, натижада душманнинг чизган чизигидан чикмайдиган бир миллатга айландик. Ўз ҳуқуқларимизни талаб қилиш эса жиноятга айланди. Бу иллат тузалмайди деями ёки кўникиб қолдикми, ҳар ҳолда иллатнинг давоси бизни қизиқтирмай ҳам қўйди.

Тарихда умматимиз шу иллатдан холий, соғлом ва бақувват бирлиги билангина оёққа турган ва динни қоим қилганига гувоҳ бўламиз. Тарих ибратларга бойдир...

**Бешинчи иллат:** Курашга тайёргарлик йўқлиги. Афсуски курашга тайёргарлик ҳақида сўз юритадиган ҳолимиз ҳам йўқ. Чунки ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳақида ўйламаган тоифа курашга қандай тайёргарлик кўрсин. Атрофга назар солинг, ўзимизни ҳимоя қиламиз деганлар армияси-ю, қурол-аслаҳа ҳамда уларни такомиллашишига сабаб бўлган барча асосларни етиштириб бормоқда. Ҳамда ўзларининг чегараларида эмас, биз мусулмонлар ерида ичимизга кириб,

минтақада урушлар юзага келтириб, миллатимизни қириб, еримизни босиб олиб, энг ачинарлиси ўз еримизда ўзларини ҳимоя қилаётган эканликларига бизни ишонтиришларидир. Демак, улар хужумни ҳимоя санадилар. Ҳа! Албатта шундай санайдилар. Биз қачон хулоса қиламиз!? Бизга ҳуррият дея қулликни, адолат дея зулмни олиб келиб, бунга қарши жонларини фидо қилган ота-боболаримизга босмачи (террорист) тамғасини ўз ўғлонлари тилида жорий қилганларчи. Улар ҳам шу тариқа ўзларини ҳимоя қилган эдиларми!? Биз ҳамон уйкудамиз...

Улар ўз мақсадларига эришдилар. Биз динимиздан узоқ бўлиб ғоямизни утутдик. Энди дунёга машҳур олимлару ихтирочилар ўрнига кўшиқчи хонандалар, раққосалар, созандалару, қизиқчи-масхарабозларлик билан шуҳрат қозонмоқдамиз.

Умнат бу ахволда бўлса, қандай қилиб нусратга эришсин?!

**Олтинчи иллат:** Намуна-ўрнакнинг йўқлиги. Қутуз халқини унга чақирган барча шиорларини амалга оширишда унинг ўзи биринчи сафда тура олди — ўрнак бўлди. Оллоҳ таоло бизнинг элатларга ҳам ана шундай ўрнак бўладиган бошлиқлар насиб қилсин.

**Етгинчи иллат:** Уммат душманларини дўст тутиш.<sup>4</sup> Душманларни дўст тутиш ҳалокатга етакловчи хатарли иллатдир. Бу иллат Ислом умматини мағлуб бўлишига олиб келадиган бевосита сабаблардан ҳисобланиб, дунё шармандалиги ва охират азобига ҳам сабаб бўлади,

**"Эй мўминлар, сизлардан илгари китоб берилганлар ичидан динингизни ҳазил-масхара қилиб олган кимсаларни ва кофирларни дўст қилиб олмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳдан кўрқингиз!"<sup>5</sup>**

Қиссамизда мўғулларни ёки насронийларни дўст тутган амирлар ва халқларнинг шу дунёдаги шармандаликларига гувоҳ бўлдик.

**"(Яҳудийларни мўминларга қаршилик қилишга гиж-гижлаётган мунофиқлар) худди шайтоннинг ўхшашидирлар. Эсланг, у инсонга «Кофир бўл», деган эди. Энди қачонки (инсон) кофир бўлгач, (шайтон унга) «Албатта мен сендан безорман. Зеро мен барча оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳдан кўрқурман», деди. Бас иккисининг (шайтон ва унинг**

---

<sup>4</sup> Танбех. Душманларни дўст тутиш ва душманлар билан сулҳ, битиб тузиш орасида катта фарқ бор. Буни махсус манбалардан ўқиб ўрганиш мумкин.

<sup>5</sup> Моида: 57.

сўзига кириб, кофир бўлган инсоннинг) **оқибати дўзахга кириб, унда мангу қолишлари бўлди. Золим кимсаларнинг жазоси шудир!"**<sup>6</sup>

## **Носир Юсуф Айюбийнинг ниҳояси**

Носир Юсуф мўғуллар Дамашқ сари келаётганини эшитиши билан 658 х.с. сафар ойида ўзига эргашганларни олиб, Барзадан Ғазога қочиб қолди. Унинг армияси Қутуз сафига кетгандан сўнг, сўкка боши билан Каракка, ундан сўнг Сахрога –Урдуннинг жанубида жойлашган ал-Жафр минтақасига– кетишга мажбур бўлди. У баъзи араб амирлари билан тил бириктирди. Бу хабар мўғулларга етиб борди. Мўғуллар ўша диёрга Носирни ахтариб, бостириб келди. У ердаги каттаю кичик барчани қатл қилиб, ҳамма жойни вайрон қилишди ва 658 х.с. шаъбон ойининг ўрталарида Биркату Зазо деган жойда Носирни асирга олишди. Носир билан унинг кичик ўғли Азизни Ҳулагунинг ҳузурига жўнатишди. У Айн-Жалутда мўғуллар мағлубиятигача асирликда қолди. Мағлубият хабари келиши билан 18 шаввол куни Ҳулагу Носирни ва у билан бирга бошқа амирларни ҳам қатл қилди. Носирнинг ўғли Азиз ёш бола бўлгани учун қатл қилинмади<sup>7</sup>. Носир Юсуф умматга хоинлик ва

---

<sup>6</sup> Ҳашр: 16, 17.

<sup>7</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/400, 401), Мақризий "ас-Сулук" (1/519-бет).

душманни дўст тутиш билан бирор нарсага эришмади. Аксинча хорларча қатл қилинди. Ва ла ҳавла ва ла куввата илла биллаҳ.

**Саккизинчи иллат:** Ноумидлик. Ноумид ва руҳан тушкин умматнинг нусрати амри-маҳолдир. Ноумидлик мўминларга ёт.

**"У деди: "Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлурлар"<sup>8</sup>.**

Ислом душманлари мусулмонлар қалбига қўркув солишга уринишлари тарихда ҳам, ҳозирги кунимизда ҳам, бундан кейин ҳам учрайдиган бир ҳолат. Биз тарихимизга қалб кўзи билан назар солсак бундай ҳолатлар муолажаси, бу иллатлар шифосини яққол кўраимиз.

**"Ёмон макр-ҳийлалар қиладиган кимсалар учун эса қаттиқ азоб бордир ва уларнинг макрлари ҳам ҳалок бўлур (яъни беҳуда кетур)"<sup>9</sup>.**

**"Ва Оллоҳ харгиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай"<sup>10</sup>.**

---

<sup>8</sup> Ҳижр: 56.

<sup>9</sup> Фотир: 10.

<sup>10</sup> Нисо: 141.

Ер юзига ўзининг қора соясини солиб турган баҳайбат мўғул қувватининг синдирилиши кўз ўнгимизда. Қутуз –раҳимахуллоҳ– халқни ва лашкарни маънан ва руҳан жонлантирди. "Арслон боласини тутмоқ учун арслон инига кирмоқ лозим" деганларидек ҳар бир мақсадга етиш учун ўшанга лойиқ сабабларини қилиш керак бўлади. Аҳвол қанча қийинлашиб, мусибатлар қанча ортса, нусрат ҳам шунча яқин келади.

**"Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Оллоҳнинг ёрдами келади?» дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: "Огоҳ бўлингизким, Оллоҳнинг ёрдами яқиндир"<sup>11</sup>.**

Кулфат, мусибатлар энг охириги нуқтага келганда Оллоҳнинг нусрати келади, бу эса Раббул-оламинининг кавний (*қоинотда жорий қилган*) қонунларидандир.

**Тўққизинчи иллат:** Ишни ўз эгаларига топширилмаслиги. Буни бир томондан омонатсизлик десак ҳам бўлади. Жамиятда ҳар бир касб ва ҳар бир лавозимнинг ўз эгаси, устаси бўлиб ҳар бир инсон ўз

---

<sup>11</sup> Бақара: 214.

масъулиятини ҳис қилган ҳолда иш юритиши лозим. Бу қоидадан чиқишлик ҳар доим тартибсизлик ва муваффақиятсизликка олиб келади.

**Ўнинчи иллат:** Кенгаш йўқлиги. Исломда маслаҳатлашиш шаръий ҳукм асосларидандир. Ишларни маслаҳат асосида қилмаган киши, хоссатан бошлиқ хато ортидан хатога йўл қўйиши турган гап. Ҳаммасидан ҳам бу Оллоҳнинг куйидаги буйруғига муҳолиф иш тутишдир,

**"Ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг!"<sup>12</sup>**

Бу ўнта иллат –ҳамма даврда ҳам– мағлубиятнинг асосий сабаблари жумласидан ҳисобланади.

Уммати хорликдан чиқиб, азиз бўлишини истаган мухлис банда юқорида зикри ўтган ва бошқа иллатлардан сақланиб, нусрат сабабларини ушлаши лозим.

Оллоҳга қасамки, кунлар ўтади, замон эса ўзгаради ва Ислом уммати албатта нусратга эришади. Мўғуллар даврида бугунги кунимиздан янада мазлумроқ бўлган бу уммат елкасидаги бу зулм тоғларини ирғита олади,

---

<sup>12</sup> Оли-имрон: 159.

иншааллох. Ишончимиз комилки аждодларимизга Қутуз туғиб берган бу уммат пушти ҳали қуриганича йўқ.

**"Албатта сизлар унинг хабарини (озгина) вақтдан сўнг билиб олурсизлар"**<sup>13</sup>.

**"Бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз"**<sup>14</sup>.

Мўғул-татар қиссасида тарих йўналишини муайян бир шахс таъсирида батамом ўзгарганига гувоҳ бўлдик. Бу шахслар Чингизхон ва Қутуздир. Улар ер куррасининг жўғрофий ҳолати ва инсониятга катта таъсир ўтказган ҳамда тарихни жумбишга келтирган бўлсаларда, бироқ улар орасида улкан тафовут бордир. Қутуз ўз қувватини иймон ва Ислош шариятидан, ҳа, ўша зилол манбадан олди. Сув жисмоний ҳаёт манбаи бўлгани каби шарият маънавий ҳаёт манбаидир. У адолат, самимият, мурувват, ҳурмату иззат боринги барча эзгулик манбаидир. Уларсиз ҳар қандай тирик жонга тириклик ортиқчадир. Аммо Чингизхон эса ўз кучини беаёвлик, бешафқатлик, қурол-аслаҳа ва ваҳшийлик қонунидан олди. Маълумингизки, бузиш осон, лекин бунёд қилиш қийин; зулм қилиш осон, бироқ адолат қилиш қийин; қаҳр-ғазаб қилиш осон, аммо афв қилиш машаққатдир.

---

<sup>13</sup> Сод: 88.

<sup>14</sup> Оли-имрон: 140.

Баъзи тарихчилар тарихни ўзгартирувчи ва уни ҳаракатга келтирувчи –Оллоҳдан кейин– инсоннинг ўзи эканини тан олмайдилар. Ҳолбуки, буни тарихнинг ўзи тасдиқлайди. Турли давр ва маконларда муайян шахслар пайдо бўлиши билан тарих ҳаракатга келган ва тубдан ўзгарган. Масалан, Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб – разияллоҳу анҳумо– даврларида тарих ҳаракатга келди, катта футуҳотлар бўлди. Умар ибн Абдулазиз, Мусо ибн Нусайр, Абдурраҳмон ад-Дохил, Абдурраҳмон Носир, Имоуддин Зинкий, Нуруддин Махмуд, Салоҳуддин Айюбий, Муҳаммад Фотих, Абдуллоҳ ибн Ёсин, Юсуф ибн Ташфин, Сайфуддин Қутуз –раҳимаҳумуллоҳ– ва бошқалар тарихни жумбишга келтирдилар.

Ҳолбуки, улар турли замонларда яшаб ўтган эдилар. Муттафакун алайҳи ҳадисда, Абдуллоҳ ибн Умар – разияллоҳу анҳумо– ривоят қиладики: "Мен Расулуллоҳ –соллаллоҳу алайҳи ва саллам–нинг: *"Одамлар бамисоли орасида бирорта ҳам миншига яроқлиси йўқ юзта туяга ўхшайдир!"* – деб айтганларини эшитганман, дедилар"<sup>15</sup>. Лекин шу миншига яроқлиси топилса, ер аҳлининг бахтидир. Абу Довуд –раҳимаҳуллоҳ– Абу Ҳурайра –разияллоҳу анҳу–дан ривоят қиладики, Расулуллоҳ –соллаллоҳу алайҳи ва саллам– дедилар:

---

<sup>15</sup> Бухорий (6498) ва Муслим (2547).

*"Албатта Оллоҳ бу умматга ҳар юз йил бошида унинг динини янгилайдиган кишини юборади"*<sup>16</sup>.

Қутузнинг ўша янгиловчилардан бўлганида шубҳа йўқ. Имом Заҳабий ўзининг "Сияру Аълам ан-Нубула" китобида Қутузни шундай васфлайди: "У довярак, устамон, диндор, эл ардоқлаган, Айн-Жалут куни мўғулларни енгиб, Шомни озод қилган, оқ-сарикқа мойил, серсақол ва серсавлат навкирон йигит эди. Оллоҳ йигитлигини жаннатла эвазласин ва ундан рози бўлсин!"

Ибн Касир Қутузни "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя"да шундай сифатлайди: "У серсаховат, шижоатли қахрамон, Ислом ва мусулмонларга насихатгўй эди. Одамлар уни яхши кўриб, унинг ҳаққига мудом дуои хайрда эдилар". Мусулмон тарихчиларнинг одамларнинг бирор кишига, хоссатан бошликқа муҳаббатли бўлганини зикр қилишлари эътиборга лойиқ нозик нуқтадир. Зеро, умматнинг солиҳ кишилари фақат солиҳ кишиларнигина яхши кўргани, бузғунчи ва фосиқ кимсаларни эса ёмон кўргани кундай равшандир. Солиҳ кишиларнинг бир кишини яхши кўриши, унинг Оллоҳ таолонинг яхши кўрган бандаси эканилигига, шунингдек, уларнинг бир кишини ёмон кўриши, унинг Оллоҳ таолонинг ёмон кўрган бандаси эканилигига ишора бўла олади.

---

<sup>16</sup> Абу Довуд ривояти.

Имом Муслимнинг ривоятларида келишича, Абу Хурайра –разияллоҳу анҳу– ривоят қилади, Расулulloҳ –соллаллоҳу алайҳи ва саллам–: *"Агар Оллоҳ таоло бирор бандасини яхши кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақириб: "Мен фалон кишини яхши кўраман, сен ҳам уни яхши кўргин", дейди. Кейин Жаброил алайҳиссалом ҳам уни яхши кўради ва осмон аҳлини чақириб: "Оллоҳ таоло фалон кишини яхши кўрди, сизлар ҳам уни яхши кўринглар", деса, осмон аҳли ҳам ўша кишини яхши кўришади. Кейин бу нарсани ер аҳли ҳам қабул қилиб олишади. Агар Оллоҳ таоло бирор бандасини ёмон кўрса, Жаброил алайҳиссаломни чақириб: "Мен фалон кишини ёмон кўраман, сен ҳам уни ёмон кўргин", дейди. Бас, Жаброил алайҳиссалом ҳам уни ёмон кўради. Кейин осмон аҳллари чақириб: "Оллоҳ фалон кишини ёмон кўради, сизлар ҳам уни ёмон кўринглар", деб айтади. Кейин бу ёмон кўриш ер аҳлида ижро бўлади (яъни, бу киши ер юзида ҳаммининг кўзига ёмон кўрина бошлайди)", дедилар<sup>17</sup>.*

Воқеи ҳаётимизда Қутуз каби жонкуярлар ва мўғуллар сингари бузғунчиларнинг ҳодисалар саҳнаси тўридан жой олиши табиий ҳолдир,

**"Лекин Оллоҳ ҳалок бўлгувчилар очик ҳужжат билан ҳалок бўлсинлар, тирик қолгувчилар ҳам очик**

---

<sup>17</sup> Муслим ривояти.

ҳужжат билан тирик қолсинлар, деб қилиниши керак бўлган ишни амалга ошириш учун (тўкнашдингиз)"<sup>18</sup>.

### Қутузнинг ўлими қиссаси

Сайфуддин Қутуз қиссасининг охири ва аянчли саҳифалари ҳарфларини ўқувчини ҳайрат тўлкинида қолдирсада теришга мажбурмиз. Бу қиссанинг аянчли томони Қутуз –раҳимахуллоҳ– Миср тахтида 11 ойу 17 кунгина ўтиргани, холос<sup>19</sup>. Гўё у бир вазифани — умматга ўзлигини танитиб қўйишгагина тахтга ўтиргандай, Айн-Жалут ғалабасидан 50 кундан сўнг оламдан ўтди.

Рукнуддин Бейбарс ўзига Ҳалаб волийлигини берилмагани натижаси ўлароқ эски адовати кўзғалиб, амир Сайфуддин Булбон Рошидий, амир Сайфуддин Баҳодир Муъиззий, амир Бадруддин Муъиззий, амир Байдагон Рукний, амир Булбон Ҳоруний, амир Бадруддин Анас Исбаҳонийлар билан подшоҳ Музаффар Қутузни ўлдиришга яширинча келишиб оладилар. Бу иш бўлиши керак экан, бўлди. Қутуз Мисрга келганидан бироз вақт ўтиб, бу амирлар билан бирга овга чиқади ва овдан қайтган чоғида Рукнуддин ундан асирга тушган

---

<sup>18</sup> Анфол: 42.

<sup>19</sup> Макризий "ас-Сулук" (1/519-бет).

бир мўғул қизни беришини сўрайди. Қутуз унга қизни тақдим қилади, миннатдорчилик билдирган Рукнуддин, Қутузнинг қўлини ўпади, бу унинг амирларга ишораси эди. Амирлар бирдан Қутузга ҳамла қилиб, уни қатл қилдилар...

Аскар қўмондони Фарисуддин Ўқтой ас-Соғир Қутузни ким ўлдирди, деб сўраганда, Рукнуддин мен ўлдирдим, деб жавоб беради ва шу тариқа Рукнуддин Мисрга подшоҳ бўлади. Шу кундан эътиборан у подшоҳ Зоҳир лақабини олади. Бу воқеа 658 х.с. 16 зулқаъда / 1260 м.с. 30 октябр шанба куни юз берди<sup>20</sup>.

Шайх Изз ибн Абдуссалом Қутуз вафотидан сўнг, мусулмонлар унинг қўли билан қўлга киритган буюк нусратнинг заволи бўлишидан кўрқиб, шундай дея йиғлаган эди: "Раҳматлик йигит! Агар узокрок яшаганида Исломни ёшартириб янгилаган бўларди"<sup>21</sup>.

Гарчи Қутуз узоқ умр кўрган бўлмасада, Мамолийк давлати салкам уч асрга қадар давом этди. Дарҳақиқат, Қутуз Мамлуклар давлатига мустаҳкам асос қўйган эди. Қолганлар шу асос устига мустаҳкам бино қурдилар. Шайх Изз ибн Абдуссалом –раҳимахуллоҳ– шундай деди: "Мусулмонларга Умар ибн Абдулазиз –

---

<sup>20</sup> Мақризий "ас-Сулук" (1/519-бет), Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/412, 413).

<sup>21</sup> Сиржоний "Қиссатут-татар" (367 - бет).

раҳимахуллоҳ—дан кейин Қутуздек салоҳият ва адолат билан ҳукм қилувчи киши волий бўлмади"<sup>22</sup>. Бу Қутуз – раҳимахуллоҳ—нинг Исломи майдонидаги кадр-қийматидир.

У бу даражага Оллоҳнинг китоби ва Расули – соллаллоҳу алайҳи ва саллам—нинг суннатларини татбиқ қилиш билан эришди. Йўқса, Исломи бўлмаса Умар ким эди? Исломи бўлмаса Холид, Торик ибн Зиёд, Қутуз ким эди? Оллоҳ таолога ҳамду санолат бўлсинки, Унинг китоби олдимизда бўлганидек, Расулуллоҳ –соллаллоҳу алайҳи ва саллам—нинг суннатлари ҳам кўз ўнгимизда. Оллоҳ таоло уларни сақлади ва то Қиёмат ҳимоя қилажак. Уммат уни ушласа ҳаргиз йўлдан озмайди. Имом Молик –раҳимахуллоҳ– "Муваддоъ"да ривоят қилади, Расулуллоҳ –соллаллоҳу алайҳи ва саллам—дедилар: *"Мен сизларга икки нарсани қолдирдим. Агар уни маҳкам ушласангиз ҳаргиз адашмайсиз. У — Оллоҳнинг китоби ва Набийининг суннатидир"*<sup>23</sup>.

Холид, Қоъқоъ, Торик, Салоҳуддин ва Қутузларни яратган Оллоҳ таоло, бу уммат ичидан воқеликни ўзгартирадиган, динини янгилайдиган, уларда умид учқунларини пайдо қилдиган, Оллоҳнинг изни билан

---

<sup>22</sup> Сиржоний "Қиссатут-татар" (367 - бет).

<sup>23</sup> Имом Молик ривояти.

бутун олам ва умматларга пешволик ва жаннатлар сари етаклайдиган рижолларни яратади.

Шу тариқа "Мўғул-татар қиссаси" ва "Айн-Жалут қиссаси" ниҳоясига етди. Солиҳлар ҳам, толиҳлар ҳам, золим ва мусулмон лашкар ҳам ўлди. Йиллар, асрлар ўтди; диёрлар, қалъа ва кўрғонлар ўзгарди; шоду-хуррамлар бир томону, ғурбатдагилар бир томонда ўтди; ҳамма-хамма нарса ўтиб кетди, фақат ундаги ибратларгина қолди.

**"Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир. (Ушбу Қуръон) тўқиб чиқариладиган сўз эмас, балки ўзидан аввалги нарсаларни (яъни самовий китобларни) тасдиқ этувчи, унга иймон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи хидоят ва раҳмат (бўлган бир Китобдир)"<sup>24</sup>.**

Имом Бухорий ва Муслим ўзларининг саҳиҳларида хабар берадилар, Абу Ҳурайра –разияллоҳу анҳу– ривоят қилади: "Расулуллоҳ –соллаллоҳу алайҳи ва саллам– бундай деб марҳамат қилдилар: *"Оллоҳ Ўзининг йўлида чиққан одамга кафолат бериб; Уни уйидан чиқарган нарса фақатгина –Менга иймон келтириб, элчиларимни тасдиқлаб, менинг йўлимда жиҳод қилиш*

---

<sup>24</sup> Юсуф: 111.

*учун– бўлса, уни (шаҳид қилиб) жаннатга киргизмоқ ёки чиққан маконига қўлга киритган ганиматлари ёки ажри билан қайтармоқ кафолати Менинг зиммамгадир, – (дейди)<sup>25</sup>.*

Ўзгартирилмайдиган ва алмаштирилмайдиган илоҳий қонунлар ва кавний суннатлар боқий қолади,

**"Агар сизларга Оллоҳ ёр бўлса, ҳеч ким сизлардан ғолиб бўлмас"<sup>26</sup>.**

Оллоҳ таолодан бутун ҳаётимизни ўзининг йўлида қилишини; сўзларимиз ва воқеимиз Расулуллоҳ – соллаллоҳу алайҳи ва саллам– ва унинг саҳобалариники каби қилишини сўраймиз. Улар пайғамбаримиз – соллаллоҳу алайҳи ва саллам–га байъат бердилар ва бу байъатларида содиқ қолдилар.

Оллоҳ субҳанаҳу ва таолодан унинг ер юзида жорий қилган қонунларини билдиришини, манфаатли бўлган илмни таълим бериб, таълим бергани билан фойдалантиришини ва тарихни бизларга ибрат қилишини сўраймиз, албатта у Оллоҳнинг қўлида ва у бунга кодир зотдир.

---

<sup>25</sup> Бухорий ривояти (3123).

<sup>26</sup> Оли-имрон: 160.

**"Ҳали мен сизларга айтаётган сўзларни эслайсизлар. Мен ўз ишимни Оллоҳга топширурман. Зеро, Оллоҳ бандаларини кўриб тургувчидир"**<sup>27</sup>.

*1433 ҳ.с. 19 рамазон / 2012 м.с. 7 августда яқунланди.*

*Валлоҳу таъала аълам....*

*Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.*

---

<sup>27</sup> Ғофир: 44.